



ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ

Ҳаж ва умра зиёратига боришни ташкил этиш тартиби тўғрисида ахборотлар такдим этиш, уларни ташкил қилиш бўйича фуқаролар аризаларини қабул қилиш

Хизмат хақида:

Ҳаж ва умра зиёратага боришни ташкил этиш тартиби тўғрисида ахборотлар такдим этиш, уларни ташкил қилиш бўйича фуқаролар аризаларини қабул қилиш

Хизматнинг соҳага тегишлилиги:

Ҳаж ва умра зиёрати

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси:

Жисмоний шахслар

Боғланиш:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

Хизматни кўрсатиш учун керак бўладиган ҳужжатлар (нусхалар сони):

Қорақалпоғистон Республикасида ҳаж ва умра зиёратига бориш истагини билдирган фуқаролар ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш бўйича Республика жамоатчилик кенгашига навбатга туриш учун ариза билан мурожаат қилишлари лозим. Ариза ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш бўйича Республика жамоатчилик кенгашига ёзилиб, унта фуқаронинг паспорти нусхаси илова қилинади. Аризалар белгиланган тартибда руйхатга олинади ва мурожаат қилган фуқарога руйхатга олинганлиги, навбати маълум қилинади

Хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 август "Давлат ва хўжалик бошқаруви. маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан узаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 181-сонли қарори

Хизмат иархи ва тулаш тартиби:

Ҳужжатларни қабул қилиш беғул амалга оширилади, Ҳаж ва Умра зиёратига бориш бўйича тўловларнинг амалга ошириш тартиби ва миқдори Ўзбекистон мусулмонлар идораси бўйруғига асосан амалга оширилади.

Хизмат кўрсатиш муддати:

Белгиланган муддатда

Натижани олиш усуллари:

Шахсан, электрон почта ёки телефон орқали

Хизмат натижаси:

Аризалар белгиланган тартибда руйхатга олинади ва мурожаат қилган фуқарога руйхатга олинганлиги, навбати маълум қилинади

Рад этиш сабаблари:

Тегишли хужжатлар тақдим этилмаган ва қўйилган талабларга жавоб бермаган ҳолларда

Шикоят ариза бериш тартиби:

Тегишли тартибда